

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАҒОЕВА ДИЛНАВОЗ НАРЗИҚУЛОВНА

ЖАДИДЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ОИЛА МАСАЛАСИ ВА
УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 1(091)Жадидлар: 17.023.32-055.7

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Тағоева Дилнавоз Нарзикуловна

Жадидлар маънавий меросида оила масаласи ва унинг фалсафий таҳлили..... 5

Тағоева Дилнавоз Нарзикуловна

Проблема семьи и ее философский анализ в духовном наследии

джадидов..... 23

Tagoyeva Dilnavoz Narzikulovna

The problem of family and its philosophical analysis in the spiritual heritage of

Jadids 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАҒОЕВА ДИЛНАВОЗ НАРЗИҚУЛОВНА

ЖАДИДЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ОИЛА МАСАЛАСИ ВА УНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fal437 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Амридинова Дилрабо Турсуновна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “27” декабрь соат 0900 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (233 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “14” декабрь кuni тарқатилди.
(2022 йил “14” декабрь даги 37 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов К. Б.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Х. Ю.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар оила ва оилавий муносабатларни умуминсоний қадриятлар тизимида қайта кўриб чиқишни ҳамда мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Маънавий инқирозлар, ғайринсоний иллатлар оила институтини заифлаштираётган ҳозирги ахборотлашган маконда тажрибадан ўтган аждодлар меросидаги инсонпарварлик тамойиллари орқали соғлом оила, соғлом оилавий муҳит, соғлом инсоний муносабатларни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жаҳидлар маънавий меросидаги анъанавий ва замонавий оила хусусидаги қарашлар, маърифатпарварлик ғоялари асосида ёшларда оилапарварлик, никоҳ муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, оила маънавиятига позитив таъсир этувчи “инсон ва оила”, “оила ва жамият”, “оила ва миллат” тамойилларининг фалсафий хусусияларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фани ва илмий тадқиқот марказларида тарихий манбалар таҳлили асосида замонавий оила институтининг функциялари, соғлом турмуш тарзи, барқарор оила муҳити, жамият, халқлар тотувлигини таъминлашга доир фундаментал ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда. XIX аср охири XX аср бошларида жаҳид мутафаккирларининг умуминсоний, инсонпарварлик руҳидаги фалсафий-маърифий қарашларни баркамол авлодни тарбиялаш жараёнларига тадбиқ этиш, маърифий жамиятни барпо этиш тизимига жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Раҳматулло Возех илмий меросида илгари сурилган соғлом оилавий муносабатларни ўрнатиш, хотин қизларни ўқитиш, оила шаъни ва фарзанд тарбиясига оид ғоялар асосида “маърифатли оила” концепциясини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини янгилаш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда жаҳид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, умуминсоний ва миллий қадриятларни ёш авлод онгига сингдириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилавий ҳаётга тайёрлаш ва замонавий оила мезонларини яратишга оид ислохотлар олиб борилмоқда. “Янги Ўзбекистонни ҳалол меҳнат қилиб муваффақиятга эришишни орзу қиладиган, тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интиладиган, Ватани ва халқига сидқидилдан хизмат қилишни истайдиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар мамлакатига айлантиришимиз шарт ва зарур”¹. Шу сабабли XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган жаҳид мутафаккирларининг миллатни уйғотиш, фарзанд тарбияси, оила мулкани асраш, тежамкорлик, миллий тарбия, миллат тақдири ҳақидаги ғояларини маънавий тарбия ва оила институтини мустаҳкамлаш жараёнига тадбиқ этишга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O'zbekiston”, 2021. – Б.195

стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида, маданий ҳаётда интеллектуал ва маънавий ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутган жаҳид маърифатпарварларининг бой маънавий меросини ўрганиш бўйича шарқшунос, тарихчи олимлар Лазери, А. Беннингсон ва Марко Буттино, Адиб Холид, Э. Олворт, Э. Элдер-Моро, И. Балдауф, Фредерик Стар каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар муҳим илмий аҳамиятга эга². С. Эршахин жаҳидчилик ва тарбия, А. Нуран жаҳидларнинг оила ва хотин-қизларнинг эмансипациясига бўлган таъсирини, Винсан Фурньо Марказий Осиё жамияти ва оиладаги муаммоларни, С. Хан оила анъаналари ва маънавияти, Паоло Сартори жаҳидлар давридаги оилаларнинг иқтисодий асосларини тадқиқ этишган. С. Роч XX аср бошларидан то ҳозиргача Марказий Осиёда оила жараёнларининг трансформацияси масалалари ва жамиятдаги тенденцияларни аниқлашга оид изланишлар олиб борган³.

2 Le reformisme musulman en Asie Cehtrabe, Cahhiers du Monde Russe, Yolume XXXVII (1-2), dnvier duin 1996, 242 p.; Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. First edition. Berkeley - Los Angeles, University of California Press. 1998. P.400; Elizabeth Elder-Moreau. Stereotypes, Beliefs about Working Mothers, and the Use of Gender System Justification. Fordham University, 2021. New York. Dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy in the Graduate school of education of Fordham university. P. 146; Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001).

³ Seyfettin Ersahin. Buhara'da Cedidcilik-Eğitim Islahatı Tartismalari ve Abdurauf Fitrat (XX. Yuzyil baslari. /Dini Araştırmalar Ocak- Nisan 1999, c. 1, s. 3. Istanbul. S. 213 -255.; Noran Alshaibi. Policies of women's emancipation in Soviet Central Asia, 1917 - 1953 a thesis submitted to the Graduate school of social sciences of Middle East technical university by Noran Alshaibi in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Science in the department of gender and women studies. September 2015. Ankara. P. 134.; Vincent Fourniau. Un

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида В. Бартольд, А. Шукуров, А. Басыров В. Валиханова, Н. Гафаров, Стефан А. Дюдуаньон А. Маликов Р. Хақимов каби тадқиқотчи-олимлар томонидан жадиждарни адабий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти тадқиқ қилинган⁴.

Юртимиз олимларидан И. Мўминов, Ж. Яхшилик, Й. Жумабоев, Г. Наврўзова Қ. Назаров, А. Ҳусейнова, Д. Амриддинова илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жадиждарнинг ҳаракатининг ижтимоий, маърифий, ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатларига бағишланган фалсафий контекстдаги диссертацион тадқиқотлар С. Абдувоҳидов, Х. Ашурова каби олимлар томонидан амалга оширилган. З. Аҳмедова жадиждарга тамал тошини қўйган маърифатпарварларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини алоҳида ўрганган⁵.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар классификацияси жадиждар дунёқарашига таъсир этган олимларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар талқини, жадиждарнинг ҳаракати унинг намояндлари шахсияти, асарларининг маърифатчилик таҳлили билан боғлиқ изланишлар эканлигини кўрсатиб, жадиждар маърифатпарварлари маънавий меросидаги оила, оилавий муносабатлар, оила маърифати, фарзанд тарбияси, ижтимоий, эътиқодий масалалари ва уларнинг замонавий жамиятдаги трансформациясига оид ғоялар бўйича яхлит комплекс тадқиқот амалга

mouvement de jeunesse inconnu en Asie Centrale: les jeunes Boukhares entre les idéologies de libération nationale et sociale. / Matériaux pour l'histoire de notre temps. Paris. pp. 11-17; Khan, Safraz. The development of Muslim reformist (Jadid) political thought in the Emirate of Bukhara (1870-1924) with particular reference to the writings of A. Donish and A. Fitrat. School of Oriental and African Studies (University of London). 1998; Paolo Sartori. Ijtihad in Bukhara: Central Asian Jadidism and Local Genealogies of Cultural Change. // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Volume 59: Issue 1-2. 2016 February, Brill. -Leiden; Sophie Roche. The Family in Central Asia: New Perspectives. Klaus Schwarz Verlag, 2017. –Berlin. P. 416

⁴ В.В. Бартольд. Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 24-30; Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 31-35; Басыров А.Х. Джадидизм: социально-философский анализ. Автореферат дисс.канд.фил. Наук.Уфа.2009.; Валиханова В. С. Джадидизм: возникновение и сущность // История национальных политических партий России. - М., 1997.; Гафаров Н. У. Культурно-просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате, начало XX века. Душанбе, 1999.; Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татарстана, 1997; Вахабов М. Г. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период великой октябрьской революции// История СССР.-1963.-№ 2.-С.35-56.; Гафаров Н. У. Джадидизм в Средней Азии в конце XIX в. — начале XX в. Душанбе, 2014.; Маликов А. М. Самаркандские реформаторы начала XX века: Исаходжа Ширинходжаев // XXX международный конгресс по источниковедению и историографии стран Азии и Африки: к 150-летию академика В. В. Бартольда (1869—1930). Материалы конгресса. т.1. Спб.: Студия «НП-Принт», 2019. - с.473-475.; Хақимов Р. С. Джадидизм (реформированный ислам). - Казань: Институт истории АН РТ, 2010. - 208 с.;

⁵ Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане, конца XIX- начало XX вв.- Ташкент, 1957; Ж.Яхшилик, Н.Убайдуллаева. Жадиждарнинг ҳаракати ва Бехбудий. -Тошкент. Фан. 2004. – Б:16.; Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. - Тошкент: Ўқитувчи, 1997. - 181 б; Наврўзова Г.Н. Нақшбандия - камолот йўли. - Тошкент: Фан, 2007. - 188 б; Шодиев Р. Тасаввуф таълимнинг Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётидаги ўрни (IX-XII асрлар): Фалсафа фан. д-ри дисс...автор. - Самарқанд: СамДУ, 1993. - 24 б; Шодиев Р., Амриддинова Д. Жадиждарнинг ғояси// Мулоқот. - Тошкент, 2003. - №5. - Б.29-30.; Абдувоҳидов С. Жадиждарнинг ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон: Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автор. – Самарқанд: 2020. -44 б; Ашурова Х. Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги): Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автор. – Самарқанд: 2020. -43 б; Амриддинова Д. Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-фалсафий моҳияти: Фалсафа фан. номзоди... дисс. автор. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2006. - 24 б.; Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси тарихи. – Тошкент: Мухаррир, 2020. – 504 б.; Аҳмедова З. Аҳмад Донишнинг фалсафий ғоялари / Ўзбек фалсафаси тарихи. – Тошкент: Мухаррир, 2020. – Б.143-163.

оширилмаганлигини наоён қилмоқда. Мазкур диссертация мавзуси доирасидаги муаммо илк бор яхлит тадқиқ этилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2022 йй) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жадидлар маънавий меросида оила тўғрисидаги қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш асосида оила институтини мустаҳкамлашга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири XX аср бошларида жадид намояндалари меросида оила ва оилавий муносабатларни ўрганишнинг назарий манбаларини тарихий-фалсафий тадқиқ этиш;

жадид маърифатпарварларининг оила ва оилавий муносабатларга оид қарашларининг фалсафий моҳиятини очиб бериш;

Абдурауф Фитратнинг маърифатпарварлик қарашларида оиланинг умуминсоний қадрият сифатидаги моҳиятини ва замонавий оила концепциясининг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини асослаш;

Маҳмудхўжа Бехбудий фарзанд тарбияси, оила саломатлигини асраш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, оилапарварликка оид ғояларининг конструктив аҳамиятини аниқлаш;

Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ меросида хотин-қизлар тарбияси ва оилада маънавий ахлоқий қадриятлар такомилга доир позитив қарашларини асослаб бериш;

ёшлар дунёқарашида соғлом оила ва соғлом оилавий муносабатларни шакллантиришда жадидлар маънавий меросида оила тўғрисидаги қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш асосида оила институтини мустаҳкамлашга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жадидлар маънавий мероси ва уларни тадқиқ этиш билан боғлиқ назарий-методологик манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ илмий-маънавий меросида илгари сурилган оила тартиботлари, хотин-қизлар масалаларини фалсафий-ахлоқий нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, диалектик, синергтик, қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асаридаги анъанавий ва замонавий оила хусусидаги қарашларининг маърифатпарварлик ғоялари билан муштараклиги ҳамда ёшларда оилапарварлик, никоҳнинг

муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, оила маънавиятига позитив таъсири “инсон ва оила”, “оила ва жамият”, “оила ва миллат” тамойиллари асосида очиб берилган;

XIX аср охири - XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий меросининг миллат бадий тафаккури такомлига таъсири кўрсатганлиги ҳамда унинг миллатни уйғотиш, фарзанд тарбияси, оила мулкани асраш, тежамкорлик, миллий тарбия, миллий озодлик, миллат тақдири ҳақидаги ғоялари космополитизм ғояларига қарши эканлигининг методологик жиҳатлари мантикий асосланган;

Раҳматулло Возеҳнинг “Ақоид ан-Нисо” ва Абдурауф Фитратнинг “Оила ва оила бошқариш тартиблари” асарларидаги соғлом оила, соғлом оилавий муносабатларни ўрнатиш, хотин қизларни ўқитиш, оила шаъни ва фарзанд тарбиясидаги ролига оид ғоялари “замонавий маърифатли оила” концепциясини шакллантиришнинг миллий концептуал асослари эканлиги далилланган;

Абдурауф Фитратнинг маънавий меросидаги миллий ислохотчилик ғоялари ҳамда маърифатпарварлик, жадидчилик, нозирлик фаолиятининг ватанпарварлик, миллат қадри ва қаддини тиклаш, саводсизликни тугатиш, илмга тарғиб этиш, миллатни дунё халқлари қаторидаги мавқеини оширишга қаратилганлиги миллий характер шаклланишида конструктив асос бўлганлиги фалсафий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

оила ва оилада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар рукнидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмунан бойитиш, таъсирини оширишда назарий-методологик манба сифатида хизмат қилган;

оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

жадидлар маънавий меросидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсирининг олдини олишда, оиланинг тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятини оширишда, ёш ота-оналарнинг билим даражасини ошириш ва ибратли ота-оналик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамити жадидчилик фаолиятини ўрганишга оид

илмий тадқиқот ишларида, китобхонликни ривожлантириш, оила ва оилавий муносабатларни ўрганиш, жадиждлар маънавий мероси мазмунида акс этган даврнинг руҳини тўғри англаш ва тегишли хулосалар чиқариш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан тадбирларда назарий манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оила ва маҳалла институтлари ҳамда Маънавият ва маърифат марказларининг аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда, ижтимоий соҳада фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий фаолиятларида, оммавий ахборот воситаларининг медиаконтентларини бойитишда, маънавий-маърифий кўрсатувлар тайёрлашда, шунингдек, “Оила маънавияти”, “Маънавиятшунослик”, “Касбий маънавият” фанларини мазмунан такомиллаштириш ва бойитишда, таълим муассасалари учун ўқув-методик қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жадиждлар маънавий меросида оила масаласи ва унинг фалсафий таҳлили бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асаридаги анъанавий ва замонавий оила хусусидаги қарашларининг маърифатпарварлик ғоялари билан муштараклиги ҳамда ёшларда оилапарварлик, никоҳнинг муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, оила маънавиятига позитив таъсири “инсон ва оила”, “оила ва жамият”, “оила ва миллат” тамойиллари асосида очиб берилганлигига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф1-88-сон “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)” (2017-2020 йй) фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 29 октябрдаги 04/11-6758-сон маълумотномаси) Натижада, ўсиб келаётган ёш авлодни жадиждлар маънавий меросида оила масаласи доир ғоялар асосида баркамоллик, комиллик ва оила муқаддас, уни доим асраб-авайлаш кераклиги руҳида тарбиялашда ҳамда юртимиз фаровонлиги, мустақиллигини мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилган;

XIX аср охири XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий меросининг миллат бадий тафаккури такомлига таъсири, ҳамда унинг миллатни уйғотиш, фарзанд тарбияси, оила мулкани асраш, тежамкорлик, миллий тарбия, миллий озодлик, миллат тақдири ҳақидаги ғоялари космополитизм ғояларига қарши эканлигига доир илмий янгиликлар ва тавсиялардан “Дурдона” нашриёти томонидан 2022 йилда чоп этилган “Маънавиятшунослик” ўқув қўлланмасининг “Жадиждлар дунёқараши генезиси”, “Жадижд мутафаккирларининг оила институтини мустаҳкамлаш ва унинг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни” мавзуларини тайёрлашда

ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302-сон буйруғи ва 302-0061-сон гувоҳномаси). Натижада, олий таълим тизимида ўқитилаётган “Маънавиятшунослик” фанини мазмунан янгилашда, такомиллаштиришда ҳамда жаҳидчилик фаолиятини ўрганиш орқали баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш ва ёшларда маърифатпарварлик ғояларини ривожлантиришга хизмат қилган;

Раҳматулло Возеҳнинг “Ақоид ан-Нисо” ва Абдурауф Фитратнинг “Оила ва оила бошқариш тартиблари” асарларидаги соғлом оила, соғлом оилавий муносабатларни ўрнатиш, хотин қизларни ўқитиш, оила шаъни ва фарзанд тарбиясидаги ролига оид ғоялари “замонавий маърифатли оила” концепциясини шакллантиришнинг миллий концептуал асослари эканлигига оид илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф1-88-сон “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)” (2017-2020 йй) фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 29 октябрдаги 04/11-6758-сон маълумотномаси) Натижада, мамлакатда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, хотин-қизлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни самарали амалга оширишга хизмат қилган;

Абдурауф Фитратнинг маънавий меросидаги миллий ислоҳотчилик ғоялари ҳамда маърифатпарварлик, жаҳидчилик, нозирлик фаолиятининг ватанпарварлик, миллат кадри ва қаддини тиклаш, саводсизликни тугатиш, илмга тарғиб этиш, миллатни дунё халқлари қаторидаги мавқеини оширишга қаратилганлиги миллий характер шаклланишида конструктив асос бўлганлигига доир илмий янгиликлар ва тавсиялардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йилда эфирга узатилган “Ассалом Бухоро”, “Замондош”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 31 октябрдаги 1/265-сон маълумотномаси). Натижада, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда жаҳид алломаларимизнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш, шу орқали маърифатли жамият сари илдам қадам ташлаш, аждодларга муносиб бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтиришга, кўрсатувларнинг илмийлиги ва оммабоплигини таъминлашга, томошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 6 та (3 та хорижий ва 3 та маҳаллий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Жадидлар маънавий меросида оила: генезиси ва назарий-методологик масалалар таҳлили”** деб номланган биринчи бобда XIX аср охири XX аср бошларида жадид намояндалари меросида оила ва оилавий муносабатларни ўрганишнинг назарий манбалари ҳамда жадид маърифатпарварларининг “оила” хусусидаги қарашларига оид тадқиқотлар таҳлили ва таснифи каби масалалар тадқиқ қилинган.

Диссертацияда оила ижтимоий институт сифатида кеча вужудга келмаганлиги, оиланинг бугунга қадар трансформациялашуви ундаги ўзгаришларни ўрганишни тақозо қилиши ҳамда оилага диний ва илмий манбаларда турлича таърифлар берилганлиги таъкидланади. Оила инсон умрининг бошланиш маскани бўлиб, жамият тараққиёти оила ижтимоий муҳити билан биргаликда кечадиган жараёнدير. Оила институти ўз-ўзича мавжуд бўла олмайди. Бунда у асрий анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий меъёрларга таяниб, жамият қонунларига итоат қилиб яшамоғи лозим. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-қисми 16-моддасида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир”⁶, - деб белгилаб қўйилган.

XIX аср охири XX аср бошларида жадидларнинг маърифатпарварлик, жадидчилик фаолиятлари, уларнинг миллий ислохотчилик руҳида ёзилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг муҳим масалаларига оид тарихий, бадиий-фалсафий асарларини таҳлил қилиш орқали улардаги маърифий, ахлоқий ғояларнинг инсон, жамият, шахс маънавий борлигига таъсири, ночорлик, биқиқлик, истибдод, саводсизлик, маърифатсизликдан

⁶ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль китобида. - Тошкент: Адолат, 1992.– Б. 14.

жаҳолатга юз тутаётган жамиятни янги тараққиёт босқичга олиб чиқишга, миллатни уйғотишга ундовчи концептуал қарашлар бўлиб ҳисобланади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Абдурауф Фитрат ўзининг маънавий меросида оила масаласига махсус эътибор қаратади. Унингча, оила бу: “Одамларнинг маданий тоифа эканликлари, яъни табиат ҳукми ила бир қабила ёки бир қавм сувратида жам бўлиб бир-бирларига ёрдам бериб яшашлари. Кимки ана шу табиат қонунининг доирасидан чиқса, яъни жамиятдан четлашса, шубҳасиз, мавҳ ва нобуд бўлғай⁷”. Аллома жамиятдаги тараққиёт, инсонлар дунёқарашидаги ўзгаришларни диний, илмий нуқтаи назардан асослаб берган. Инсоннинг оила қуриши унинг биологик эҳтиёжи ва бу эҳтиёж сабаб миллат юксалишини кўра олган олим ёшларни оила қуришга даъват этади.

Диссертант фикрича, бугунги кунда мамлакатимизда йигит қизлар орасида ёши катта бўлишига қарамай, оила маъсулиятини бўйнига олишни истамаётган ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Ваҳоланки, Авестода никоҳ ёши ўғил болалар учун 17 ёш қилиб белгиланган. Бу масалада жадид намोёндалари хусусан, Абдурауф Фитрат диний ва дунёвий илмни уйғунлаштириб, инсондаги антропологик - асабий ўзгаришлар, табиат, иқлимдаги инқирозлар, тиббиёт нуқтаи назаридан инсон организми ва қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, никоҳ ёши борасида “эркакларга йигирма уч ёш ва қизларга ўн саккиз ёшдан олдин уйланмасликни”⁸ маслаҳат беради.

Диссертацияда жадид маърифатпарварлари меросида Марказий Осиёнинг хонликларга бўлинган даврда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг чигаллашгани, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг оғирлашгани, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги муаммолар, миллатнинг ҳаёт тарзи, дунё халқлари қаторидаги мавқеининг пасайгани, таълимнинг издан чиққанлиги, халқнинг маърифатдан узоқлашиб қолгани, замонавий билим берадиган масканларнинг йўқлиги, миллат фарзандларини хорижда ўқитиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги, ҳукмдорларнинг халқнинг аҳволига эътиборсизлиги даврнинг таназули ундан олиб чиқиш йўллари, ислом динининг инсонпарварлик тамойиллари, миллий анъаналар, Оврупо маданий ривожланишининг илғор замонавий тенденцияларини ўрганиш орқали миллий маданиятимизни янги босқичга кўтаришга интилишлари кўрсатилганлиги ишончли назарий манбалар асосида таҳлил этилган.

Тадқиқотчи Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот”, “Оила ёки оила бошқариш тартиби”, “Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари”, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Сағирлар ҳақинда”, “Ҳифзи сихати оила”(Оила соғлиғининг ҳимояси), “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон, ёхуд ахлоқ”, Абдусалом Азимийнинг “Таълим ва тарбия”, Ибратнинг “Миллатни ким ислоҳ этар?”, каби, “Ойна” журнали, “Бухорои шариф”, “Таржумон” газеталарида чоп этилган мақолаларида оила ва оилавий муносабатлар, фарзанд тарбиясига оид масалаларга бағишланган бўлиб жадидлар маънавий меросидаги оила

⁷Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 7.

⁸Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, -Б. 43.

масаласини ўрганишнинг назарий манбалари сифатидаги аҳамиятини таҳлил қилган.

Абдурауф Фитратнинг “Дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”⁹ – деган фикрлари таҳлил этилган. Шунингдек, Абдусалом Азимийнинг “Таълим ва тарбия” номли мақоласидан “... болага она биринчи омил ва мураббийдир. Онани таъсири болага, отанинг таъсиридан зиёдадур. Чунки, она болани бир неча ойлар қони бирла ғизоландурур. Ҳам баҳдаз таваллуд саналарча сути бирла парвариш этар. Бир муддатларча оғуши мушфиқонасига тарбия этар. Бу сабабли бола она тарбиясида бўлғуси ошонларда муҳитига мувофиқ ҳолда табиатланурки бултабиат ва одат агар номаъқул ҳолда бўлунса, катта бўлганидан сўнг ислоҳи мушкулдир”¹⁰ – деган фикрлари билан ўз таҳлилий хулосаларини асослаган.

Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи маданият” асаридаги: “Туркистон қишлоқларидаги аксарият ёшлар деҳқончилик билан шуғулланади, эрталабдан рўзгор тебратиш мақсадида меҳнат қилиб, уй ишлари тугагач, гапма-гап, йиғинма-йиғин юриб вақтларини беҳуда ўтказаетганлиги ва бунга ота-оналар бефарқлиги” ҳақида куюниб ёзганини, бу муаммони ечими сифатида Ибрат оилада таълим муҳитини яратиш, ота-оналар билан тушунтириш ишларини олиб бориш, оилада фарзанд одобини шакллантириш орқали кишининг зоҳирий, уят тарбияси орқали ботиний билимларини ошириш, қалб гўзаллигини иймон нурлари ва ақлу шуурини эзгу фазилатлар билан бойитиш, гўзал хулқ билан безаш, ота-онанинг энг яхши намуна ва гўзал ибрати орқали амалага оширилишига эришиш ҳақидаги фикрлар диссертацияда қиёсий тадқиқ этилган.

Тадқиқотда жадидларнинг оила хусусидаги қарашларига оид изланишлар таҳлил этилиб, улар қуйидаги тартибда гуруҳлаштирилган:

1. Жадидларнинг шаклланиш тарихи ва фаолиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар;
2. Жадид адиблари уларнинг насрий ва назмий асарлари таржималари, адабиётшунослик, тилшунослик таҳлилларига бағишланган тадқиқотлар;
3. Жадид маърифатпарварлиги ва ислоҳотчилик ҳаракатларини ижтимоий-сиёсий аспектларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар;
4. Жадид маърифатпаварлари меросининг фалсафий таҳлилига қаратилган тадқиқотлар.

Диссертант фикрича, бугунги кунда инсонларнинг уйланиш, никоҳ борасидаги ахлоқий муносабатларида аморалистик¹¹ қарашлар ўз чўққисига эришмоқда. Оммавий маданият ва глобаллашувнинг салбий таъсирлари натижасида бир жинсли никоҳ, инсон ва ҳайвон ўртасидаги никоҳ ёки

⁹ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 7.

¹⁰ Ойина. – Тошкент: Академия, 2001, - Б.4.

¹¹Аморализм (лот.а-йўқ, moralis-ахлоқ)-кишилар муносабатларида ахлоқ меъёрларини инкор этиш, умумэтироф этган хулқ-атвор мезонларига енгил-елпи муносабатда бўлиш.

умуман никоҳсиз яшаш ХХІ аср аморализми инсоний муносабатларда ахлоқий тубанликнинг энг юқори чўққисига эришгандек. Уйланиш ёки турмуш қуриш аввало, шу икки инсонни никоҳ риштаси билан тарбиялашдан иборат ва тарбия узвий бир умрга дахлдордир. Шунингдек, уйланиш ва турмушга чиқиш инсоннинг табиий зарурий ва ахлоқий мажбурияти бўлиб, унда бутун миллатнинг миллат сифатидаги маъсулияти туради. Никоҳ, оила инсонда тинчлик, соғлиқ-саломатлик, сабр, нафсни тийиш, пок иймон, соф виждон, қаноат, меҳр-муҳаббат, кучли ирода, кенг тафаккур, ўткир ақл, келажакка ишончни уйғотади ва тарбиялайди.

Диссертациянинг **“Абдурауф Фитрат ва Маҳмудхўжа Бехбудий қарашларида оила ва унинг замонавий жамиятдаги трансформацияси”** деб номланган иккинчи бобида Абдурауф Фитрат қарашларида оиланинг умуминсоний қадрият сифатидаги моҳияти ва замонавий оила концепцияси, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатпарварлик ғоялари ва уларнинг оила, жамият ижтимоий-ахлоқий муносабатлардаги конструктив моҳияти масалалари таҳлиliga қаратилган.

Диссертант фикрича, Фитрат оила ва оила аъзоларининг жамиятда ўзларининг ижтимоий вазифаларини тўғри бажариши, ушбу жамиятда яшовчиларнинг маънавий қиёфасини, кишиларнинг келажак фалсафаси теран бўлишини таъкидлаб, миллатнинг саодати ва тақдири оилада тарбия олиб камол топиши билан алоқадорликда кечади, деб ҳисоблаган. Унингча, оила теран ахлоқий категориялар – ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат, мурувват, сабр-матонат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик асосига қурилган бўлса унда улғайиб ўсадиган фарзанд ва шу оила аъзолари кайфияти ва руҳияти, оилавий фалсафаси ҳам шундай мазмун касб этади. Фитрат мазкур масалани ўз вақтида англаб етган маърифатпарвар сифатида борлиқ, макон, замон, одам ҳамда олам муносабатлари, оила ва оилавий муносабатлар билан ўзаро алоқадорликда фалсафий таҳлил қилган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Фитрат инсон борлигини шахсий борлиқ ва ижтимоий мавжудликдан иборатлигини таъкидлаб, муҳим бўлмасида шахсий борлиқ ҳамда ўта муҳим бўлган ижтимоий борлиқни мавжудликнинг акс этишида муҳимлигига қараб ажратади. Шахсий борлиқ фақат шахснинг ўзи мавжуд бўлиши учун зарур бўлган, ейиш, ичиш, кийиниш, ухлаш кабилардан ташкил топади. Ижтимоий борлиқ – инсон борлигининг муҳим ва бир-бирини тақозо қиладиган зарурият, инсоният борлиғидир. Яшаш учун бирлашиш, бирдамлик, ижтимоий муносабатлар, оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, тирикликдан мақсад, инсон умрининг туб маъноси каби масалалар, ҳаётининг сўнгига қадар аҳамиятлидир.

Диссертацияда бугунги кунда ўзбек ёшлари орасида ҳам уйланиш масаласида муаммоларга дуч келадиганлар кузатилаётгани, уйланишни атайин кечиктириш ёки оила қурмасдан яшашни афзал кўриш каби иллатлар мавжуд эканлиги таъкидланади. Фитрат “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга мурожат қилган ҳолда ушбу масалага ечим кўрсатади. У ўз халқи саодатини миллатнинг кўплигида кўрар экан, халқни оила қуриш, кўпайишга даъват этиб, ер юзидаги ривожланиб, кўпайиб бораётган миллатлар қаторидан жой олиши

учун никоҳга даъват этади: “Оламнинг энг буюк оқилларидан ҳазрати Пайғамбар уйланишни суннат деб билиб, бизни шунга ташвиқ ва тарғиб этганлар. Саид Абу Ҳилол (р.а) ривоят қилишларича: “Набий (с.а.в): “Уйланинглари ва ўз нуфузларингизни зиёда қилингларики, қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман”¹².

Дисертант мулоҳазаларига кўра, Фитрат келтирган илмий асослар, далиллар унинг диний ва дунёвий олим эканлигини кўрсатиш билан бирга, иймон-эътиқоднинг кучлилиги, сурати ва сийратининг илм ва диёнат билан йўғрилганлиги, инсонларга икки дунё саодатига эришиш йўллари фалсафий асослаб бера олганлигида намоён бўлади. У ўз қарашларида юксак эътиқодни сақланган ҳолда Шарқ ва Ғарб илми ҳамда фалсафасининг энг илғор ғояларини ўз ҳаётий позициясига айлантира олганлиги, диний ва дунёвий билимларни ўзлаштирганлиги, ҳаётий мисолларнинг илм-маърифат билан уйғун ҳолда кўра олганлиги билан характерланади.

Дисертант фикрича, Фитрат оила қурмоқчи бўлган йигит-қиз ўртасида бир-бирига нисбатан муҳаббат ҳиссини туйсагина оила қуриши кераклигини таъкидлайди. Муҳаббат асосига қурилмаган оила дарз кетган чинни идиш кабидир. Агар куёв келинни яхши кўрмаса аёлини кўрганда муҳаббат уйғонмаса бу бунёд бўлаётган оила қурилиши бошланмасдан қулашини қуйидагича изоҳлайди: “Шу нарса аниқки, эр-хотинликнинг асоси бўлган муҳаббат уларнинг ўрталарида пайдо бўлмайди. Бир ҳафта, бир ой ёки бир йилдан сўнг уларнинг феъл-атворлари бир-бирларига мос тушмай ўрталарида нафрат пайдо бўлса, қолган умрлари ниҳоятда азобда ўтиши мумкин. Баъзан эр арзимас баҳона билан, масалан ошга ёғни кўп солдинг ёки гўштни куйдирдинг, деб хотинини уриб майиб қилади. Баъзи аёллар ҳам арзимайдиган сабаб билан эрларини халойиқ ўртасида шарманда қиладилар¹³”. Фитрат оила масаласи фақат бир киши ёки бир оиланинг вазифаси эмас, балки бутун миллат, мамлакат масаласидир, оила масаласи ҳеч қачон эскирмайдиган, кечиктириб бўлмайдиган бош вазифа эканлигини ўз қарашларида акс эттирган.

Диссертацияда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг оила ва ахлоқ тарбияси хусусида “Ойина” журналида (1914 й) чоп этилган “Ҳифзи сиҳати оила” (Оила соғлигининг ҳимояси), “Хотин олмоқни кераклиги”, “Булуғи тиббий”, “Қиз болаларни тарбияси”, “Уйланмасликни зарари”¹⁴ каби мақолаларида ўз даврининг ижтимоий, ахлоқий масалалари баён этилганлиги таъкидланади. Жамият тараққиётини илмли ёшларда кўрган Бехбудий маърифатнинг илк тарғиботчиси ота-она, тарбиячи маскан оила эканлигини ўз даврида англаган жадидлардан бўлиб, оила сиҳат-саломатлигига эътибор бермасдан халқни фаровон ҳаётга етишиши мумкин эмаслигини уқтиради. У жамият саломат бўлиши учун аввало инсонлар, ёшлар соғлом улғайиши учун оила саломат бўлишига алоҳида аҳамият қаратади.

Дисертант мулоҳазаларига кўра, Бехбудий инсоннинг хасталикка чалинмаслиги учун оилада тўғри тиббий тарбияга алоҳида эътибор қаратган.

¹² Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 14.

¹³ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.21.

¹⁴ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. II жилд. - Тошкент: “Академнашр”, 2018. – Б.163-207.

Вақтида овқатланиш, тозалikka риюя этиш, кийим-бошларни саранжом-саришта тутиш, хонадон тозалигига эътиборли бўлишни фарзанд оилада ўрганиши лозим. У ўзининг “Булуғи тиббий” мақоласида, ёшларга болалигиданоқ нималарни ўргатиш лозимлиги ҳақида фикр юритади. “Бола ёшлигиданоқ бадан илмидан хабардор бўлсин. Ота-оналар фарзандларига уларда кечадиган жараёнлар ҳақидаўз вақтида тўғри тушунтириш олиб боришлари керак. Акс ҳолда болалар кўчадан эшитиб хатоларга йўл қўядилар”¹⁵.

Диссертацияда Бехбудий ўсмирлик ёшида ўғил-қизларда учрайдиган балоғат ўзгаришлари ҳақида батафсил тўхталиб, ёшларга дастлабки бадан илмини тўғри беришлиги ҳақида ота-оналарга тавсиялар бергани таъкидланади. Ўғил ва қизларга “Балоғат хангомига ҳосил бўлган янги аломатлар, бу болиғ қиз ва ўғил болаларни яқосидан тутиб табиий фикр ва амаллар тарафиға мойил қилар. Бечоралар ўзларини шошуртириб фикр қилмоққа бошлайдур.Қайси дарду орзуға йўлиқганларини билмаслар”¹⁶. Тиббиёт илмидан хабардор ота-оналар бу ҳолларни билиб, фарзандларига ёшлигидан бадан илмини, ёш хусусиятлари билан алоқадор ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор этиб, бу ҳолатда қандай йўл тутиш кераклигини ўргатадилар. Бу эса балоғат ёшидаги фарзандларга тўғри тарбия бериш, уларни турли жинсий, шахвоний касаллик ва иллатларга берилишининг олдини олади.

Диссертацияда Бехбудий “Китобат ул атфол” (Болалар учун иш юритиш) китобида ота-онанинг болаларга, боланинг ота-онага, фарзанднинг дўстига муносабати, фарзандлар тарбияси, фарзандларнинг мажбуриятлари, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари, уларнинг ҳуқуқлари, хат ёзганда ахлоқ нормаларига амал қилиш қоидалари ва шартлари¹⁷ каби масалалар таҳлил объектига айлантирилган.

Диссертант фикрича, Бехбудий маърифатпарварликни тарғиб этиш, болалар саводли бўлишини ўйлаш, уларнинг тарбияси билан кенг шуғулланишни назарда тутиб, болаларнинг ёзма ахлоқ – одоби тарбиясини камолотга эришувини таъминлаш, фарзанд тарбияси орқали ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигига эришиш, иш юритишда тил қоидаларига қатъий амал қилиш, ҳар ким ўзи тушунмайдиган, англамайдиган, инсоннинг тарбиясини бузадиган, ҳуқуқини поймол этадиган, нафсониятига тегадиган ёмон сифатларни бировга қўлламаслик, инсон хафа, кайфияти тушган, беҳушлик пайтларда бировга ёзиладиган хатлар ва ҳужжатларни ёзмаслик, фарзандни оилада ота-онага, дўстига ҳамда қариндош-уруғларига ёзма мурожаатларида ўз ҳуқуқини англаган, тарбияли, шарқона қонун-қоидаларга риюя этган ҳолда тарбиялаш, ота-она ҳам фарзанд тарбиясида ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда иш олиб бориш, болаларни инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари тамойиллари асосида комил инсон қилиб вояга етказиш¹⁸ каби ғояларни илгари суради.

¹⁵Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. II жилд. - Тошкент: “Академнашр”, 2018. – Б.192

¹⁶Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: “Академнашр”, 2018. - Б.192

¹⁷Бехбудий Маҳмудхўжа. Китобат ул атфол. Ўқув қўлланма.. – Самарқанд.: Бехбудий нашрети, 1914. –Б. 2.

¹⁸Ўзбек фалсафаси тарихи. III жилд. / Тузувчилар: Қ.Назаров ва бошқ. – Тошкент: “Muharrir”, 2020. - Б.288.

